

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

Jild 3, Son 5/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирорев Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаси ҳузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Диљдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Тайланова Шохида Зайниневна - педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович -сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич -сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i>	
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i>	
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужсаниязов Уктам Ешбаевич</i>	
“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i>	
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i>	
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i>	
ФАРФОНА ВОДИЙСИНИНГ- ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i>	
TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i>	
O’ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i>	
O’ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O’QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i>	
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMoya TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i>	
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G’unchaxon Baxadirovna</i>	
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i>	
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA’MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	88-93

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i>	
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i>	
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI	101-109
<i>Xaytboeva Nigora Bakmatatovna</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbanboyevich</i>	
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Makhmudov Tursunpuлат Davronovich</i>	
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i>	
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Mўйдинова Зилола Воҳид қизи</i>	
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА "АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ" МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i>	
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i>	
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i>	
INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Ochilova Guzal Aralovna</i>	
ЮКСАК МА'ННВИЯТ-МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i>	
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i>	
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFİY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i>	
IJTIMOY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i>	
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i>	
DINIY MANBALARDA IJTIMOY HAMKORLIK O'YALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

Dehqonov Behzod Baxtityorovich

YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING
BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI 225-230

Abdullayeva Firuza Sharipovna

NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI 231-236

Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich

SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI
SURILGAN G'OYALAR 237-243

Ибрагимов Солижон Эргашович

АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ 244-251

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Qodirova Mukaddas Tog'ayena

BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI 252-257

Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich

DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF
PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE 258-265

Hamroyeva Sharifa Shukur qizi

TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA
TARJIMASI MISOLIDA) 266-271

Olimova Gulfiza Muradullayevna

BADIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI 272-281

Айниддинов Иқрориддин Шарифович

АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИ 282-287

Turaeva Dilfuza Daminovna

O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI 288-295

Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna

LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA
SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI 296-305

Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldashev Rustam Dilshod ugli

LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK
LANGUAGES 306-311

Isroilova Manzura Jamolovna

FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING
KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA 312-317

Шамақсудова Саодат Хидоятовна

МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАР 318-324

Шатова Ирина Юрьевна

ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ 325-330

Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna

FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING
COGNITIV ASOSLARI 331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i>	
КО'Р МА'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i>	
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i>	
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Xikmatullayevna</i>	
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Исломқурова Шоҳсанам Баҳобжон қизи</i>	
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ	
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365

<i>Mamataliyev To'lqin Xushmamat o'g'li</i>	
О'zbekistonda MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i>	
МАКТАБГАЧА TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA	
BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384

<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i>	
TEXNIK OLIY O'QUV YURLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH	
USUL VA METODLARI	385-390

<i>Таджиходжаева Эльвира Рашидовна</i>	
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ	
В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396

<i>Tўрахонова Барно Турсунбой кизи</i>	
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА	
ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406

<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i>	
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412

<i>Каримжонова Мунаеввар Ибрагимовна</i>	
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА	
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421

<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i>	
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI	
TAKOMILLASHTIRISH	422-426

<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i>	
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ	
ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435

<i>Бердиқурова Насиба Эркинжоновна</i>	
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В	
НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO
SIFATIDA 443-448

Шаймкулов Азамат Холмуратович
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Гулистон ҳудудий филиали директори

ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИННИ

Аннотация. Ушбу мақолада қайта қуриш даври матбуотининг мамлакат иқтисодий ҳаётида содир бўлган ўзгаришларда ҳамда уларни ёритишда тутган ўрни масаласи кўриб чиқилган. Қайта қуриш жамият ҳаётига чуқур сингиб боргани сари матбуотда Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига янгича нуқтаи назардан ёндашишга, муаммоларни илмий таҳлил қилишга кенг имкон очилганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: қайта қуриш, даврий матбуот, пахта яккаҳокимлиги, иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий мустақиллик, пахта нархи, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, бутифос.

Shaimkulov Azamat Kholmuratovich
Director of the Gulistan regional branch
of the Academy of Public Administration under
President of the Republic of Uzbekistan

INTERPRETATION OF ECONOMIC ISSUES IN THE PRESS OF THE PERESTROIKA ERA

Abstract. This article discusses the role of the press of the perestroika era in the changes in the economic life of the country, as well as in their coverage. As perestroika took deep root in the life of society, the press reported that Uzbekistan opens up wide opportunities for a new approach to the path of economic development, scientific analysis of problems.

Keywords: perestroika, periodicals, cotton monoculture, economic reforms, economic independence, cotton price, child labor, forced labor, butifos.

Шаймкулов Азамат Холмуратович
Директор Гулистанскоого регионального
филиала Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ВОПРОСОВ В ПРЕССЕ ЭПОХИ ПЕРЕСТРОЙКИ

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос о роли прессы эпохи перестройки в изменениях экономической жизни страны, а также в их освещении. По мере того, как перестройка глубоко укоренилась в жизни общества, в прессе освещалось, что Узбекистан открывает широкие возможности для нового подхода к пути экономического развития, научного анализа проблем.

Ключевые слова: перестройка, периодическая печать, хлопковая монокультура, экономические реформы, экономическая независимость, цена хлопка, детский труд, принудительный труд, бутифос.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N04>

Кириш

Қайта қуришнинг дастлабки босқичида асосий эътибор мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини ошириш ҳамда қатор муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Фарб давлатларининг даражасига етиб олиш мақсад қилинган эди. 1985 йил апрелида бўлиб ўтган КПСС МК Пленумида мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётини “жадаллаштириш” курси эълон қилинди. Асосий эътибор иқтисодий тизимни қайта қуриш, унинг моддий базасини қайта кўриб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш, юқори даражадаги бошқарув тизими асосида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш мўлжалланган эди.

1986 йилнинг февраль-март ойларида бўлиб ўтган КПСС XVII съезди партия раҳбарияти томонидан танланган социалистик жамиятни такомиллаштириш, ижтимоий-иктисодий жадаллаштириш йўналишини тасдиқлаб берди. Партияning бу кўрсатмаси матбуотда асосий эътиборнинг иқтисодий масалаларга қаратилишига олиб келди. Ўзбекистон матбуотида иқтисодий масалалар тор ихтисослашган, мақсадли аудиторияга қаратилган нашрларда, шунингдек, деярли ҳар бир газета ёки журналнинг мажбурий саноат, қишлоқ хўжалик бўлимларида ёритиб борилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қайта қуриш йилларида кечган ижтимоий-иктисодий жараёнларни ёритишда даврий матбуотнинг ролини тадқиқ этишга бағишлиланган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди [28], [58]. Ўзбекистонда сўнгги йилларда яратилган бир қатор тадқиқотларда қайта қуриш даври ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган [69], [68], [5], [49].

Тадқиқотда тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда контент ва қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган ҳолда қайта қуриш даври матбуотида иқтисодий масалалар талқини ва унинг аҳамияти масаласи очиб берилди.

Муҳокама ва натижалар

Иттифоқ миқёсидаги марказий газеталар долзарб иқтисодий масалаларни анча эрта кўтариб чиқа бошлади. 1987 йилда “Новый мир” журналида олдинма-кетин социалистик иқтисод тизими танқид остига олинган мақолалар эълон қилинди. Иқтисодчи олим Л. Пияшованинг Л. Попкова тахаллуси остида эълон қилган мақоласида социалистик тизим охир-оқибат бозор иқтисодиётiga ўрин бўшатиб бериши муқаррарлиги таъкидланади [48]. Йирик иқтисодчи олим Н. Шмелев ўзининг “Новый мир” журналининг 1987 йил 6-сонида эълон қилинган “Аванслар ва қарзлар” мақоласида [78] биринчилардан бўлиб СССР иқтисодий тизимини очиқ танқид қилиб чиқди ва ислоҳотлар ўтказишни таклиф қилди.

Қайта қуриш туфайли пайдо бўла бошлаган демократия ва ошкоралик мамлакатда хукмронлик қилиб келган маъмурий-буйруқбозлик тузумини инқирозга олиб келган шароитда иқтисодий масала тобора долзарб аҳамият касб эта борди. Бу даврда ўзининг самарасизлигини кўрсатиб бўлган режали иқтисодиёт ўрнига муқобил йўлга эга бўлган мукаммал ҳаракат пайдо бўлмаган, бозор-савдо муносабатлари ҳали кучга кирмаган эди. Шундай шароитда ўзбек матбуотида иқтисодий мустақиллик масаласи кўтарила бошланди.

Қайта қуриш даврида Ўзбекистонда ўрнатилган пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари, юзага келган муаммолар, ўйламай-нетмай ерларни кенгайтиришга зўр

берилганлиги туфайли республикамиз иқтисодиёти, экологияси ва одамлар саломатлигига етган заар масаласи айниқса қизғин мұхокама қилинди [16], [66], [4], [23]. Нафакат олимлар, балқи ёзувчилар ҳам ўзларининг мақолаларида долзарб ижтимоий-иқтисодий мавзуларни күтариб чиқдилар. Ў. Ҳошимовнинг “Мантиқ қани”, “Мантиқ бўлмаса билдириш керак” мақолаларида “социалистик турмуш тарзи”нинг ғайриинсоний моҳияти очиб берилган [76].

Кўп ҳолларда марказий матбуот саҳифаларида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини бошқара олмайдиган, дотация ҳисобига кун кечирувчи республикалардан бири сифатида эътироф этилиб, ўзбекларга нисбатан боқимандалар таърифи қўлланилган. Бироқ, ҳисобларга кўра, Ўзбекистондан олиб кетилаётган бир йиллик пахта толасидан 25 млрд. сўм миллий даромад олинган [45]. Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган 90 фоиз хом ашё 40 млрд. сўм миллий даромад олиш учун моддий асос бўлгани ҳолда, республиканинг ўзида моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари 23 млрд. сўм миллий даромад яратган, бу эса ҳатто ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга ҳам етмаган [20].

Пахтакорлар бўйсуниши лозим бўлган буйруқбозлик тизимидан норозилик меҳнаткашлар томонидан ҳам очиқ баён этила бошланди. “Қишлоқ ҳақиқати” газетасининг 1988 йилнинг декабрь сонида эълон қилинган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, жумҳуриятда машҳур икки колхоз раислари М. Рўзматов ва М. Исматовларнинг жумҳурият пахтакорларига очиқ хатида шундай дейилади “Пахтакорлар ҳам турли фармойишлар, кўрсатмалардан қаттиқ чарчаган эдилар. Ахир, қачонгача ерни шудгорлаш учун юқоридан буйруқ кутамиз, чигит экиш муддатини нега энди пойтахтдаги шинам кабинетда ўтирган қайсиadir амалдор белгилайди? Буларнинг ҳаммаси – дехқоннинг иши” [46].

Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг сифат жиҳатидан оқсаётганинг сабаби кадрлар ва уларнинг малакаси эканлиги, бирор ҳунарни ўргатиш, меҳнаткашларни ўқитиш учун мамлакатимиз бўйича миллий даромаднинг 6 фоизи сарфланаётган айни пайтда, шу мақсад учун Ўзбекистонда миллий даромаднинг 3,4 фоизи сарфланиши, танқид остига олинган. Ойлик даромад киши бошига мамлакатимиз бўйича 100 сўмдан ошиб турган ҳолда республикамизда атиги 35 сўмга тўғри келиши, қишлоқларда, айниқса, тоғли қишлоқлардаги ижтимоий фойдали иш билан банд этилмаган 2 миллион аҳоли борлигига урғу берилиб, қишлоқларда саноат корхоналари ёки уларнинг филиалларини очиш таклифи берилган [60].

Энг қиммат техника экини бўлган пахтага бошқа экинларга нисбатан энг оз ҳақ тўланаётганилиги Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси минбаридан айтилди [1]. Матбуотда ҳам ҳеч қандай иқтисодий қонуниятлар ва объектив сабаблар тан олинмайдиган режали иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигига етказилган маҳсулотлар нархи адолатсиз белгиланганлиги очиқ айтила бошланди, этиштирилган пахта маҳсулотига республиканинг ўзида нарх белгилаш зарурлиги ҳақида илк таклиф ва талаблар юз кўрсата бошлади [26], [72], [40], [74], [3], [73]. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларини комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишида иштирок этаётган СССР ФА Президиуми қошида тузилган ишлаб чиқариш кучлари ва табиат ресурсларини ўрганиш бўйича комиссиясининг бош илмий ходими, профессор К.Таксир 1987 йилдаёқ “Пахтанинг зонал нархини қайта кўриб чиқиш масаласи – пишиб этилган

масала. Негаки, пахтага тўланадиган нарх эскирди. Ва у ёки бу соҳадаги реал шароитга мос келмай қолди. Мехнатга ҳақ тўлашнинг районлаштирилган коэффициентлари ҳам ўзгартиришга муҳтоҷ. Буларнинг ҳаммаси СССР нарх-наво Давлат комитети томонидан, СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети томонидан зудлик билан чоралар кўришни тақозо этади”, деб ёзган эди [57].

“Республика маҳсулотлари нархини ўз ҳукумати мустақил белгилаб, қонунлаштириб, марказга тайёр ҳолда тақдим этиш ҳукуқидан фойдалана олмайдими? Ҳаммасини марказдан илтимос қиласиган бўлсак, республиканинг суворен ҳукуқи қаерда қолади? Дехқоннинг иқтисодий мустақиллиги давлатга ҳам унинг ўзига ҳам фойдали эмасми?” [59], деган фикрлар ўртага ташланди.

Матбуотда ушбу мавзуни турли нуқтаи-назардан ёритишга ҳаракат қилинган. “Правда Востока” газетасининг 1989 йил 11 март сонида Ўзбекистон Агросаноат давлат комитети раиси И. Жўрабеков билан сұхбати эълон қилинган. Унда пахта экин майдонларининг камайтиришга эътиroz билдирилган: “... Иттифоқ министрларни ва идоралари пахтанинг давлат буюртмасини 4 миллион тоннага келтирдилар деб тасаввур қилиб кўрайлик-чи. Бундан нима ютамизу, нима йўқотамиз? Албатта, бу ҳолда ғўздан бўшаган қарийб 350 минг гектар атрофидаги майдон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга имкон берган бўлур эди... Бир гектар пахта майдони ўртача 15-16 минг сўмлик самара беради. Ана шу рақамни бўшаган ер майдонларига кўпайтирсақ, олинмай қолган ялпи ва товар маҳсулотлари миқдорини биламиз. Бу 5 миллиард сўмлиқдан кўпдир. Миллий даромад, 2 миллиард сўм атрофида етишмай қолади” [77]. И. Жўрабеков сўзининг давомида маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш қувватлари танқислиги туфайли бу йўлдан боришига қарши чиқади.

Муҳаммад Саломнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Дехқонга эрк беринг” мақоласида И. Жўрабековнинг ушбу фикрлари танқидий таҳлил қилинган [35].

1989 йилнинг 12-24 декабрь кунлари бўлиб ўтган СССР Олий Советининг II съездидаги “сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, депутат М.М. Мирқосимов ўз нутқида иқтисодий соҳада белгиланаётган тадбирлар регионлар тараққиёти турли даражаларини, иттифоқдош республикаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва қийинчиликларини етарли даражада ҳисобга олмаганлигини айтиб ўтган. У ўз сўзида республикада 9 миллионга яқин киши жон бошига 75 сўмдан кам даромад олишини таъкидлаб, бунинг асосий сабабларидан бири Иттифоқ идораларининг инвестиция сиёсати шу вақтга қадар нуфус вазиятини ҳисобга олмаганлиги, бу эса республикада ишсизликнинг вужудга келишига, жиддий ижтимоий кескинлик пайдо бўлишига олиб келганлигини баён қилган [67].

Съездда сўзга чиққан эстониялик депутат М.Л. Бронштейн ўзбекистонлик депутатларнинг республикадаги иқтисодий аҳвол, пахта яккаҳокимлиги оқибатлари, экологик вазият, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харид нархларининг пастлиги ҳақидаги фикрларини инобатга олмай, Ўзбекистондаги иқтисодий тангликнинг бош сабаби демографик ўсиш, яъни туғилиш даражасининг ниҳоятда юқоридалигида, деб айтади. Ўзбекистонлик депутатлар, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон ССР ФА Иқтисод институтининг директори Р.А. Убайдуллаевалар М.Л.

Бронштейннинг қарашларини танқид қилишади ва ундан ўзбек халқидан кечирим сўрашни талаб қилишади. Съездда Бронштейннинг ўзбек халқидан кечирим сўраб ёзган мактуби ўқиб берилади [56].

Матбуотда бу каби маълумотларнинг бериб борилиши инсонларнинг бу масаладаги ўз қарашларини фаол баён қилишга ундаган ва янги иқтисодий сиёсатга қай йўсинда ўтиш масаласи мутахассисларнинг қизғин баҳс ва мунозараларига сабаб бўлган. Матбуот саҳифаларида соҳа мутахассислари томонидан мамлакатда ўтказилиши лозим бўлган иқтисодий ислоҳотлар бўйича таклифлар берилган [65], [21], [82], [71], [10].

Жумладан, ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” Ўзбекистон Миллий комитети раиси, академик М. Муҳаммаджонов ўз мақолаларида бу масалани чуқур илмий асосда, мантиқан таҳлил қилиб берган [33], [32], [34], [36], [37]. Олим Ўзбекистонда бир хил экинга зўр бериш шахсий ва жамоат чорвачилигини издан чиқарганлиги, оқибатда, ҳар юз гектар ҳайдаладиган ерга 41 бош қорамол (шунинг атиги 11 таси сигир) тўғри келиши, қишлоқдаги хўжаликларнинг 37 фоизи сигирга, 50 фоизи ҳатто қўйга ҳам эга эмаслиги, республикада аҳоли жон бошига 22 килограммдан гўшт ва 132 литрдан сут етиширилаётганлигини ёзар экан, бунинг ечими сифатида республиканинг ҳар бир деҳқончилик хўжалиги бир томонлама эмас, балки комплекс – ҳар томонлама ривожлантирилиши зарурлигини таъкидлайди [36]. Келтирилган маълумотларга кўра, Иттифоқда миллий даромад аҳоли жон бошига 8 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, республикада бу кўрсаткич атиги 4 минг сўмдан иборат бўлган. М. Муҳаммаджонов бу каби муаммоларни ҳал қилишининг асосий ечими сифатида республика қишлоқ хўжалигини илмий асосга кўчиришни, алмашлаб экиш ва ер ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширишни таклиф этган [37].

Пахта яккаҳокимлиги туфайли юзага келган яна бир салбий оқибат – аҳоли турмуш даражасининг пастлиги эди. Бу ҳақида 1987 йилда В. Соколов ўзининг “Орол қисмати” мақоласида шундай ёзган эди: “Озиқ-овқатга келсак, сернеъмат Ўрта Осиёда бугунги кунда жон бошига тиббий меъёрнинг 26 фоизи, сутнинг – 42 фоизи, мева ва сабзавотларнинг – 53 фоизи ишлаб чиқилмоқда... Хато стратегия бугун жиддий кулфатларга олиб келди, энди иқтисодиётни режали бошқариш мавқейида туриб бу кулфатларни сезмасликка олиш, Ўрта Осиёни бадавлат ўзбеклар (тожиклар, туркманлар, қирғизлар...) палову қовун еб, “оқ олтин” туфайли бойлик орттираётган субтропик жаннат ҳисоблаш ўта ноинсонийлиқдир. Бу қараш социализм принципларига ётдир” [54].

“Правда Востока” газетасида келтирилган маълумотга кўра, республика аҳолисининг 45 фоизи мамлакатда тан олинган камбағаллик чегарасидан пастда яшаган [19]. Агар 1987 йилда аҳоли жон бошига фойдаланилган миллий даромад иттифоқ бўйича 2078 сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич республикамида 1210 сўмни ташкил қилди. Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи иттифоқ кўрсаткичидан 20, Эстониядан 35, РСФСРдан 27, Латвиядан 23, Литвадан 20 фоизга, колхозчиларимизнинг ойлик меҳнатига тўлов ўртacha иттифоқ кўрсаткичларидан 29, Эстониядан 22, Латвиядан 75, Литвадан 57, РСФСРдан 43, Қозоғистондан 42 фоиз кам бўлган [64]. Гўшт, сут, тухум истеъмол қилиш мамлакат бўйича жон бошига ўртacha 64 кг, 341 л ва 272 донани ташкил этса, бу миқдор Ўзбекистонда 29 килограмм гўшт, 186 литр сут ва 112 дона тухумга тўғри келган [61].

Қайта қуриш матбуоти қўтариб чиққан муҳим масалалардан бири – пахта етишириш ҳамда йиғим-терим мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишларида қатнашишнинг мактаб ўқувчилари билим олишларига таъсири муаммоси эди [52], [70], [43], [27], [53], [39], [31], [50], [79], [8], [42], [17]. Дарҳақиқат, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда пахтага ишлов бериш ва йиғим терим вақтида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш одатий тусга кирган эди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1987 йил 11 мартағи қарорида Уйчи туманида пахта ҳосилининг 25% ўқувчилар кучи билан терилгани кўрсатилган [50].

Шунга қарамасдан А.Треплёвнинг “Огонёк” журналида эълон қилинган “Пахта қули” мақоласи ва унга илова қилинган этак таққан, ғамгин бола сурати [62] Ўзбекистонда жуда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди [47], [24]. “Правда Востока” газетасининг 1988 йил 8 декабрь сонида унга жавобан республиканинг бир қатор машҳур кишилари ёзган “Ҳақоратловчи позиция” номли очиқ хати эълон қилинди [44]. Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионерлар ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси бор эди. Нусхалари КПСС МКга ва “Огонёк” журнали редакциясига жўнатилган хатда мақоланинг эълон қилинганини учун журналдан кечирим сўраш талаб этилган эди.

Бироқ, айрим ҳолларда ушбу муносабат ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олмаган, баландпарвоз сўзлардан иборат эди, шу сабабдан улар ҳам ўз навбатида матбуотда мунозара келтириб чиқарди. Масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Рўзиматов ва М. Исматовларнинг 9 декабрда “Правда Востока” газетасида чоп этилган пахтакорларга очиқ хатида пахта теримида қўл меҳнатидан воз кечиш учун техникадан фойдаланиши кўпайтиришга чақирилди [14]. Қ. Носирова ўзининг “Муштум” журналида чоп этилган “Нега қарсак чаламиз” мақоласида очиқ хат муаллифларидан бири бўлган М. Исматовга мурожаат қилиб, аслида болалар меҳнатидан фойдаланиш давом этаётганлигини айтиб ўтди [41].

1981 йилда Ўзбекистон Компартияси МК қарори билан атроф-муҳитни ва кишилар саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида бутифос ўткир заҳарли моддасини дефолиант сифатида қўллаш ман этилганига қарамасдан, амалда бу қарор бажарилмади, ғўзани бутифос билан дефолиация қилиш олдингидек ҳаттоки аҳоли яшайдиган қишлоқлар яқинида ҳам амалга оширилаверди. Бутифоснинг жигарга ва айниқса аёлларга салбий таъсирига қарамасдан, меъёр гектарига 1,2 кг дан кўп бўлмагани ҳолда, 3,5 кг гача сепишида давом этилган.

Публицистлар матбуот саҳифалари орқали ана шу масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб этдилар [15], [6], [7], [13], [83], [75], [81], [63], [38]. Хусусан, “Литературная газета” газетасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири В. Соколовнинг 1986 йилда чоп этилган “Виждан хасталиги” мақоласи ушбу мавзунинг кенг муҳокамасига туртки берди [55]. Журналист ўз мақоласида нафақат дефолиация жараёнида бутифосни қўллашнинг зарари ҳақида сўз юритган, балки Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтида 1980 йилда ишлаб чиқилган кам заарали УДМ дефолиантини қўллашга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни ҳам таҳлил қилган.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси табиатни, инсон саломатлигига ўта заарли таъсир кўрсатаётган заҳарли дорилар, ғўза баргини тўкувчи бутифосни

тақиқлаш учун қатъий кураш олиб борди – саҳифалар уюштириди, мақолалар эълон қилди, тегишли ташкилотларга мурожаат қилди [25], [51], [80]. Табиат ва инсон муаммоларига оид публицистик асарларнинг аҳамияти шундаки, долзарб муаммоларни матбуотга олиб чиқиши билан бирга уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикрлар баён қилинди.

Мутахассис олимларнинг ёзишича, мамлакат бўйича ҳар гектар ерга сарфланаётган ўғитларнинг нормаси 30 кг бўлса, Ўрта Осиё республикаларида у 480-600 кг. га етган, заҳарли кимёвий моддалар эса, бошқа жойларда 1-2 кг ни ташкил этгани ҳолда бизда 34,4 кг дан ошиб кетган [11]. 1989 йилда ҳар гектар ерга солинадиган кимёвий дорилар миқдори 19,5 кг, айрим вилоятларда эса 40-45 кг гача етди. Иттифоқда эса бу миқдор ўртacha 3 кг ни ташкил этарди. Баъзи вилоятлар тупроғида (Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм) тақиқланган ДЦТ миқдори меъёрдагидан 3-6 баробар кўп бўлган [9].

Мар А. келтирган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда “ҳар гектар пахта майдонига ўсимликни ҳар хил ҳашаротлар ва қасалликлардан ҳимоя қиласидиган, ёввойи ўтларни қуриладиган пестицидлар ва минерал ўғитлардан 38,2 килограмм, йиғим-терим олдидан ғўза баргини тўқадиган дефолиантлардан 16,2 килограмм (жами 54,4 кг) солинади. 1987 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 65 номдаги 97 минг тонна кимёвий модда қўлланилган, шундан 5,1 минг тоннаси ўта заҳарли моддалардир” [29].

Матбуот таъсирида шаклланган жамоатчилик фикри охир-оқибат устун келди: 1986 йилда Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитар врачи қарори билан 16 номдаги заҳарли препаратдан фойдаланиш тақиқланди, 1987 йилнинг 4 марта СССР бош давлат санитар врачининг қарори билан бутифосдан фойдаланиш бутунлай ман қилинди [30], [12].

Маълумки, Ўзбекистон советлар учун бой минерал хом ашё базаси ҳам бўлиб келди. 80-йилларнинг охирларига келиб, республикада 370 та маъдан конлари мавжуд бўлиб, улар йилига 200 млн. тоннадан ортиқ ҳажмдаги минерал хом ашё қазиб олиш имконини берарди. Жумладан, 80-йилларнинг охирига келиб республикада ҳар йили 50 тоннага етказиб олтин эритиларди ва Ўзбекистон умумиттифоқ олтинининг қарийб 50% ни етказиб берарди. Бироқ, ўзбек ҳалқи қимматли рангли ва нодир металлар, ёқилғи минерал ресурсларнинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган бой захирасига эга бўлгани ҳолда, ўз ҳудудидаги ана шу конларнинг бойликларидан мустақил равишда фойдаланиш хуқуқидан маҳрум этилган эди. Республика табиий, хом ашё ресурслари ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот қаерга кетаётганидан, уни экспорт қилишдан олинган даромад кимнинг чўнтағига келиб тушаётганидан бутунлай хабарсиз эди.

Қайта қуриш даврида ушбу масала ҳам ўзбек матбуоти кўтариб чиққан долзарб мавзулардан бирига айланди. Эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистонда қанча олтин кони борлиги ва қанча олтин қазиб чиқарилишини ҳалқимизнинг билмаслиги, олтин конларининг республикага бўйсунмаслиги, республиканинг ўзида валюта жамғармасини ташкил этиш зарурлиги дадил айтила бошланди [18], [2], [22].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, матбуот қайта қуриш даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини кўзгуси сифатида ҳодисаларни акс эттириб, ўша даврда кечган иқтисодий жараёнларни атрофлича талқин қилиш имконини беради. Қайта қуриш жамият ҳаётига

чуқур сингиб боргани сари Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига янгича нуқтаи назардан ёндашишга, муаммоларни илмий таҳлил қилишга кенг имкон очилди. Олимлар, адиблар, публицистлар матбуот саҳифаларида Ўзбекистон иқтисодий ривожида маҳаллий халқлар манфаати инобатга олинмаганлиги, минтаقا хомашё базаси сифатида хизмат қилаётганлиги, бир томонлама иқтисодиётнинг шакллантирилиши оқибатида қишлоқ хўжалиги ва бир қанча соҳаларда меҳнат унумдорлиги ҳамда аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси паст кўрсаткичда қолиб кетаётганлиги каби масалаларни кўтариб чиқа бошладилар

Қайта қуриш матбуоти иқтисодий муаммоларни ёритибгина қолмасдан, уларни ечиш йўлида турли таклиф ва ташаббусларни ҳам илгари сурган. Шу тарзда матбуот иқтисодий ислоҳотлар тарғиботчиси бўлишдан ташқари, унинг иштирокчиси ва ташкилотчисига айланди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. XIX Всесоюзная конференция КПСС. 28 июня-1 июля 1988 года. Стенограф, отчет. В 2 т. Т. 1. – М.: Политиздат, 1988. – С.302.
2. Абдулла В. Худойберди Ҳ. Бойликнинг эгаси ким? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.7.12. – №. 49. – Б.2. Дадақўзиев Б. Ўзбекистон олтини // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.24.08. – №. 34. – Б. 2.
3. Абдуллаев М. Толамизнинг қиммати қанча? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. 28.09. – № 39. – Б.1-2.
4. Абдуллаев М. Бозор, нон ва дастурхон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. 06. 07. – № 27. – Б. 1.
5. Абуев. Ҳ.О. Совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири (1985 - 1991 йй.). Тар. фан. фал. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 52 б.
6. Атроф муҳит муҳофазасини кучайтирайлик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 1987. – № 7. – Б. 2-4.
7. Аҳмад Аъзам. Туташ ҳалқалар // Ёшлиқ. – 1987. – №5. – Б.64-65.
8. Бақоев Қ. Далага чиққан болалар // Ёш ленинчи. – 1989.6.07. – №126. – Б.1.
9. Буюк ғоялар ва экологик хатолар // Фан ва турмуш. – 1991. – №2. – Б. 13.
10. Гап фақат бозордами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.19.10. – № 42. – Б. 1.
11. Ғафуров Ғ. Табиат билан мuloқot // Гулистон. – 1989. – №12. – Б. 20-21.
12. Гласность во зло // Правда Востока. – 1989.3.11. – №253. – С. 4.
13. Далабоев У. Д. Химия – дўстми-нодўстми? // Ўзбекистон агитатори. – 1988. – № 12. – Б. 28-31.
14. Дорожи сооей честью хлопкороб! Открытое письмо // Правда Востока. – 1988.9.12. – №284. – С. 3.
15. Дўсжонов Т. Далалар узра ҳаво мусаффо бўлсин // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 1985. – № 2. – Б. 54-56.

16. Ёқубов О. Муруватни унутмайлик! // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.16.07. – №25. – Б. 2.
17. Жалилов Н. Ҳашарга чиқишихтиёрийми ёки...? // Ёш ленинчи. – 1989.22.11. – №221. – Б.2.
18. Зокиров М. Олтинимиз беҳисобми // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.7.12. – №49. – Б.2.
19. Искандеров И. На базе экономики // Правда Востока. – 1989. 30.09. – №226. – С. 2.
20. Искандеров И. Сколько стоит “белое золото”? // Правда Востока. – 1989.28.06. – №151. – С.3; 30.06. – №152. – С. 3
21. Йўлдошев М. Янги аграр сиёсатда пахтанинг ўрни // Совет Ўзбекистони. – 1989.9.08. – №184. –Б. 22-3.
22. Каримов А. Олтини бор қишлоқ ободми?// Гулистан. – 1989. – №12. – Б. 18-19.
23. Кенжабек М. Ҳақиқат тежалмаса эди // Ҳаёт ва иқтисод. – 1990. – № 1. – Б. 11-12.
24. Кружилин Ю. Кимнинг устидан куляяпсиз? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988.25.11. – Б.2.
25. Қатъият. Бутифос асоратлари барҳам топади // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987.22.05. – №21. – Б.2. Абдуллаев М. Сабоқлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987. 22.05. – №21. – Б.2.
26. Қаюмов Ф., Бузурхонов Б. Пахта нархи // Қишлоқ ҳақиқати. – 1989.29.09.
27. Магай В. Добровольно или принудительно оказались на сбре холпка учащиеся училища // Правда Востока. – 1988.12.10. – №234. – С.4.
28. Маметова Я.М. Переход к рыночным отношениям в контексте экономической публикации (по материалам прессы Узбекистана за 1988-1992 годы). Дис. ... кан. фил. наук. – Ташкент, 1994. – 182 с.
29. Мар А. Келажак олдида масъулмиз ёхуд жумхуриятимизни кимёлаштиришнинг ноҳуш оқибатлари тўғрисида // Шарқ юлдози. – 1990. – №3. – Б. 12-16.
30. Материалы Пленума Центрального Комитета КПСС, 19-20 сентября 1989 г. – М.: Политиздат, 1989. – 255 с.
31. Минкин А. Болалар этагидаги пахта. К. Баҳриев тарж. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1988.23.09. – Б.2.
32. Мухамеджанов М. Перестройка в хлопководстве должна стать необратимой // Правда Востока. – 1988.11.09. – №286. – С.2.
33. Мухамеджанов М. Хлопководство и перестройка // Правда Востока. – 1988.16.08. – С.2.
34. Муҳамаджонов М. Пахтачилик ва қайта қуриш: олим муаммо қўяди // Совет Ўзбекистони. – 1989.16.08. – №.187. – Б.1,2.
35. Муҳаммад Салом. Деҳқонга эрк беринг // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.27.07. - №.27. – Б.2.
36. Муҳаммаджонов М. Асорат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.1.09. – №36. – Б.2.
37. Муҳаммаджонов М. Ер, пахта, тақдир // Гулистан. – 1989. – №4. –Б.3-5.
38. Неклесса Г. Хавфли маррада // Партия турмуши. – 1989. – № 7. – Б. 94-96.
39. Ниёзов А. Ўқувчилар жалб этилмайди // Совет Ўзбекистони. – 1988.18.08. – Б.3.
40. Носиров П. Республикализ “қарздор”ми? // Фан ва турмуш. – 1989. – № 4. – Б. 8 -9.

41. Носирова Қ. Нега қарсак чаламиз // Муштум. – 1989. – №5. – Б.2,3.
42. Овчинников И. Хлопковая четверть // Известия. – 1989.13.07. – №194. – С.3.
43. Орешкин А. Дети в поле // Правда Востока. – 1988. – №230. – С. 1.
44. Оскорбительная позиция // Правда Востока. – 1988.8.12. – №283. – С. 4.
45. Осминин В. Итоги и проблемы развития экономики Узбекской ССР в свете перестройки // Коммунист Узбекистана. – 1988. №11. – С.25 (18-26).
46. Очик хат // Қишлоқ ҳақиқати. – 1988.16.12. – №286. – Б. 3
47. Пахта қули эмас, пахта беги // Қишлоқ ҳақиқати. – 1988.10.12. – №282. – Б. 2.
48. Попкова Л. Где пишнее пироги // Новый мир. – 1987. – №5. – С. 239-241.
49. Ражабов Қ, Абуев Ҳ. Ўзбекистон ССРда совет давлатини емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсатининг таназзули (1985-1991 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – 176 б.
50. Расулов И. Гражданлик туйғуси // Ёшлиқ. –1989. – №1. – Б. 68-70.
51. Саримсоқов А. Яна бутифос ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989. 10.02. – №7. – Б.2.
52. Сиёев С. Дераза ортидаги болалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987.5.01. – № 1. – Б. 5.
53. Соколов В. Горожане на хлопке: Еще один взгляд на застарелую проблему // Ташкентская правда. – 1988.23.03. – №57. – С.3.
54. Соколов В. Судьба Арала // Литературная газета. – 1989.18.11. – №47. – С.12.
55. Соколов В. Токсикоз совести: природа и мы // Литературная газета. – 1986.30.07. – №31. – С.12.
56. Съезд сабоқлари // Гулистон. – 1990. – № 2. – Б. 2-3.
57. Таксир К. Преодолевая иждивенчество // Правда. – 1987.28.07. – №209. – С. 2.
58. Тангрикулов Ж. Э. Даврий матбуотда Ўзбекистоннинг қайта қуриш йилларидағи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлари тарихи. Тар. фан. номз. ... дис. – Термиз, 2022. – 153 б.
59. Тоғаев О. Қаноти қайрилган лочин // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.9.06. – №24. – Б.2.
60. Тошмуродов Т. Кўзни катта очайлик// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.14.04. - №16. – Б. 3.
61. Тошмуҳамедов Б. Эл тўқ, мамлакат обод бўлсин // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.101. – №1. – Б.1
62. Треплев А. Хлопкораб // Огонёк. – 1988. – №43. – С.3.
63. Тўрахўжаев Т., Коблов Р. Ҳақиқатан заҳарсизми // Фан ва турмуш. – 1989. – № 9. – Б. 10-11.
64. Тўхлиев Н. Бемиллий байналмилалчилик – беилдиз дарахт // Ёшлиқ. – 1989. – № 11. – Б. 2-6.
65. Тўхлиев Н. Иқтисодий тангликни бартараф этиш мумкинми? Хўжалик ҳисобига ўтишнинг афзалликлари ҳақида // Совет Ўзбекистони. –1989.19.07. – №168. – Б.3.
66. Тўхлиев Н. Монокультура ҳақида // Ёшлиқ. – 1989. №7. – Б.60-61.
67. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, СССР ҳалқ депутати М.М. Мирқосимов нутқи // Гулистон. – 1990. – № 2. – Б. 3-4.
68. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи: 1980 – 1990 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар. –Тошкент: Turon-Iqbol, 2019.

69. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000.
70. Ўқувчи қачон ўқийди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1987.3.04. – № 14. – Б. 2.
71. Ўлмасов А. Фаразлар, муаммолар // Гулистон. – 1990. – № 7. – Б. 6-7.
72. Усманов С. Цена хлопка // Правда Востока. – 1989.14.11. – №261. – С.1-2.
73. Хўжамбердиев Ё. Нархини ким белгилайди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.24.08. – № 34. – Б. 1.
74. Ҳайдаров А. Инсондан азизми // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990.11.05. – №.19. – Б.3.
75. Ҳасанов Р. Бутифос таҳдид солмоқда // Ёш ленинчи. – 1989.1.04. – №63. – Б.2.
76. Ҳошимов Ў. Мантиқ қани // Ёш ленинчи. – 1989.16.05. – №91. – Б.3; Ўша муаллиф. Мантиқ бўлмаса, билдириш керак // Ёш ленинчи. – 1989.7.07. – №127. – Б.3.
77. Цена “белого золота” // Правда Востока. – 1989.11.03. – №59. – С. 2.
78. Шмелев Н. Авансы и долги // Новый мир. – 1987. – №6. – С.142-158; Шмелев Н. Аванслар ва қарзлар // Шарқ юлдузи. – 1987. – №12. – Б. 122-134
79. Шохназарова Л. Турғунлик йилларининг асоратлари // Ёш куч. – 1989. – №3.
80. Эргашев А. Оғунинг баҳоси қанча? // Ўзбекистан адабиёти ва санъати. – 1990.26.10. – №43. – Б.2.
81. Эргашев А., Бекназаров Ж. Экологик қиёмат ёхуд соғлигимиз ўз қўлимизда эмас... // Ёшлиқ. – 1989. – №9. – Б.2-8.
82. Эргашев Т. Хўжалик ҳисоби ва жумхурият эрки // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989.10.11. - №.46. – Б.2.
83. Юсупов Б. И. Шифокорнинг дефолиация ҳақидаги фикри // Ёш ленинчи. – 1988.9.09. – №. 171. – Б. 2.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº S/8 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).